

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСЙ ГАЗЕТАСИ

№ 237 (10.290)

2004 ЙИЛ 3 ДЕКАБРЬ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ЎН ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ



Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

Ассалому алайкум, қадрли юртодошлар!

Хурматли депутатлар! Авваламбор, Олий Мажлисимизнинг бугунги якунловчи сессиясида сиз, азизлар билан дийдор кўришиб турганимдан, сизларга ўзимнинг самимий тилаklarини илтибор эшитишдан хурсандман.

Мана, ҳаёт гардиши билан беш йиллик масофани ҳадемай сизлар билан бирга босиб ўтдик.

Аввало, мана шундай ўта мураккаб, нотинч ва таҳликали замонда эл-юртимизнинг хизматига бўлиб, аҳолимиз, халқимизни барча огир синов ва туфлонлардан омон сақлашга муяссар бўлганимиз, иш фаолиятимизни ўтган асрда бошлаб, бугун янги, йигирма биринчи асрнинг бешинчи йилига бола-чақамиз билан соғсаломат қадам қўяётганимиз учун Яратганимизга минг бор шукроналар айтишимизни ҳам қарз, ҳам фарз деб биламан.

Парламентимизнинг, сиз, азиз депутатларнинг ўтган давр мобайнида, аввало қонунчилик соҳасида олиб борган фаолиятингиз нафақат бугунги кунимизнинг муаммоларини ҳал этиш, балки, лўнда қилиб айтганда, келажакимизнинг пойдеворини, эртанги ёруғ ва фаровон ҳаётимизнинг тамал тошини қўйди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ўтган беш йил тарих мезонлари бўйича албатта жуда қисқа фурсат, аммо бу давр бизнинг сиё-

сий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизда, Ватанимизнинг юксалиб боришида алоҳида ўрин тутганини катта мамнуният билан қайд этамиз.

Дарҳақиқат, бу йиллар давомида Ўзбекистони-

— сиёсий, иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва миллий давлатчилигимизни куриш;

— халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш;

— юртимизда тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро тотувлик ва ҳамжихатликни сақлаш;

— асл маънавий-маданий қадриятларимизни, муқаддас ислом динимиз арконларини, миллий удум ва анъаналарни тиклаш;

— демократик тамойилларни қарор топтириш ва фуқаролик институтларини тузиш;

— кенг қўламли ислохотларни ҳаётга тадбиқ этиш йўлида, ҳеч шубҳасиз, ҳақиқатан ҳам улкан, тарихий ишлар амалга оширилди.

Сизларга тақдим этилган хисоботда ва хозиргина Олий Мажлис Раиси Эркин Халиловнинг ўтган даврда парламентимиз фаолияти тўғрисида қилган маълумотига, жумладан, юзга яқин қонун ва уч юздан ортиқ қарорлар қабул қилингани, бу ҳужжатлар биринчи навбатда эл-юртимизнинг қиёфасини ҳар томонлама ижобий ўзгартириш, мамлакатимизнинг салоҳияти ва беқиёс имко-

ниятларини очиб беришда, уларни бугунги ва келгуси авлодлар манфаати учун ишлатиш йўлида ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилиши, сиз, хурматли депутатларнинг бу борадаги кўпқиррали ишларингиз ҳолисона таъкидланди.

Чиндан ҳам, бугун ҳаётимизнинг шиддат билан ўзгариб бораётган қайси жабха ва жараёнларини олмайлик, буларнинг барчасида парламенти-

мизнинг ўрни ва таъсирини, аҳамиятини ҳар қадамда кўриш мумкин. Бугун иқтисодиётимиз тез суръатлар билан ўсиб, макроиқтисодий барқарорликка эришилгани, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида ижобий таркибий ўзгаришлар рўй бераётгани, экспорт ҳажми кўпайиб, молия-банк тизими мустаҳкамлангангани, юртимизнинг чиройи очилиб, кенг қўламли катта қурилишлар амалга оширилётгани, энг муҳими, халқимизнинг реал даромадлари ва ҳаёт даражаси яхшиланиб бораётганини алоҳида қайд этиш зарур.

Қўлга киритилган мана шу ютуқларнинг барчасини Олий Мажлисимиз 2000 йилдан бошлаб қабул қилган қонун ва қарорларнинг ҳаётимизга бевосита таъсири ва амалдаги намоёни, деб баҳолаш, уйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайд.

Давоми 2-бетда.

2 декабрь куни Тошкентда иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн олтинчи сессияси ўз ишини бошлади.

Парламент сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, марказий ташкилотлар раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатик корпуснинг бошқа вакиллари, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари мухбирлари ҳозир бўлган.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э.Халилов бошқармоқда.

Олий Мажлис сессиянинг ишчи органи - Котибиятни ташкил этди, кун тартибини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва раҳбариятининг 2000-2004 йиллардаги фаолияти тўғрисида Олий Мажлис Раиси Э.Халилов маълумот берди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари иккинчи чақириқ Олий Мажлис депутатлари мамлакат ҳаётининг турли соҳаларидаги ислохотларни ҳуқуқий асослаш, жамиятда тинчлик ва барқарорликни сақлаш бўйича катта иш қилганини таъкидлади. Тарихга айланган бир палатали парламент Ўзбекистон Республикаси суверенитети ва қудратини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшди. Президент Ислам Каримов депутатлар халқнинг юксак ишончини оқлаганини қайд этди ва беш йил давомида амалга оширилган ишлар учун уларга миннатдорлик билдирди.

Мамлакатимиз раҳбари икки палатали парламентга бўлажак сайловларнинг муҳимлигини таъкидлади. Ҳаммамиз бу муҳим сиёсий воқеани мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларнинг умумэтироф этилган меъёрлар ва талабларга мослиги синови сифатида қабул қилишимиз керак. Табиийки, бу сиёсий жараёнда қатнашаётган

партиялар ва ташаббускор гуруҳлар парламентда кўпроқ жой олишга ҳаракат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари халқ ва жамият манфаатлари, миллат бирлиги ва аҳиллиги ҳамма нарсадан устунигини таъкидлади.

Сўнгра сессияда «Фидокорлар» миллий демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби, парламентнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари кўмитаси раиси А.Турсунов, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан депутатлар блокнинг раҳбари, Олий Мажлисининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси А.Саидов, «Миллий тикланиш» Ўзбекистон демократик партияси раиси Х.Дўстмухамедов, Ўзбекистон халқ демократик партияси депутатлар фракцияси раҳбари, Олий Мажлисининг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари кўмитаси раиси И.Кочмарик, «Адолат» Ўзбекистон социал-демократик партияси сиёсий кенгаши биринчи котиби Т.Даминов, Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон либерал-демократик партияси раисининг ўринбосари Қ.Тошматов сўзга чиқди.

Бу чиқишлар вақтида Президент Ислам Каримов сиёсий партиялар ва блоклар депутатлар фракциялари раҳбарлари ҳамда сессия иштирокчилари эътиборини давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари бўйича партияларнинг позициясини аниқроқ белгилаш зарурлигига қаратди. Ўзбекистон Республикаси раҳбари сайлов кампанияси давомида сиёсий партиялар парламентда жой учун курашиши, мамлакат олий қонунчилик органининг юксак минбаридан туриб ўз сайловчилари манфаатларини ҳимоя қилиши лозимлигини ўқитди.

Шундагина биз ҳақиқий кўппартиявийликни таъминлай оламиз, деб таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Давоми 2-бетда.

XXI саҳоси

Барча манбалардан
олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

● Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай туманида Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги давлат чегарасини демаркация қилишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

● Республика Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида Халқаро ногиронлар куни муносабати билан матбуот анжумани ўтказилди. Унда ногиронларнинг ижтимоий муҳофазасига оид масалалар муҳокама қилинди.

● «Ўзбекистон: севги ихзори-2004» фототанлови доирасида Ўзбекистон Бадиий академияси Замонавий санъат марказида якуний фотокўргазма очилди.

● Бухоро вилояти савдо-саноат палатаси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг вилоят бошқармаси ҳамкорликда тadbirkorларнинг малакасини ошириш мақсадида ҳафталик семинар-тренинг ўтказди.

● Тошкентда олий ўқув юртлири ўртасида компьютерда дастурлаш бўйича жаҳон чемпионати — Association for Computing Machineгунинг Шимолий-шарқий Европа минтақаси ярим финал мусобақалари бўлиб ўтди.

● Бухоро вилояти, Жондор туманининг Умархўжа қишлоғидаги уйларга табиий газ келтирилди. Бунинг учун тўққиз чақирим ердан газ қувури ўтказилди. Пайвандлаш ва монтаж ишларига Навоий номидаги ширкат хўжалиги раҳбарияти, фермерлар ва тadbirkorлар томонидан 40 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди.

● Жиззахда ўқувчи-ёшларнинг гўзалликка, нафосатга, ижодкорликка бўлган интилишларини шакллантиришда муҳим аҳамият

қасб этадиган болалар театрлари ҳаваскорлари танлови ўтказилди.

Жаҳонда

● Оқ уй Ироқдаги ҳарбий контингент сонини яна 12 минг нафарга оширишга қарор қилди.

● АКШ Конгресси халқаро алоқалар кўмитаси раҳбари Ричард Лугар Украинада бўлиб ўтган президентлик сайловида бир қатор қонунбузарликлар рўй берганини маълум қилди.

● Ироқ ўтиш даври ҳукумати раҳбари Айдод Алавий шу ойда Москвага расмий таширф билан борадиган бўлди.

● Латвия сейми мамлакатнинг Айгар Калгитс раҳбарлигидаги янги ҳукумати таркибини маъқуллади.

● Миср пойтахти Қохирада Ёсир Арафотнинг 67 ёшли укаси — Фаластин Қизил Ярим ой жамиятининг асосчиси ҳамда ФАТХ ҳаракатининг юқори рутбали аъзоси Фотиҳ Арафот оламдан ўтди.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ЁН ОЛТИНЧИ СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ



Давоми. Боши 1-бетда.

Парламентнинг шу ўтган вақт мобайнидаги фаолияти ҳақида сўз юритганда, мамлакатимизнинг тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш йўлида, диний экстремизм ва халқаро терроризм каби бало-қазоларга қарши курашда, халқимизнинг оёсайишта ҳаётини ҳимоялашда қонуналаримизнинг ўрни ва аҳамияти катта бўлганини хусусида гапирмасдан бўлмайди.

Нафақат халқимиз, балки бутун халқаро жамоатчилиқни огоҳлик ва сезгирликка, тинчлик учун курашишга чорлайдиган даъват ва баёнотлар Олий Мажлиснинг юксак миёнларидан ҳам қайта-қайта янраганини, парламентнинг халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар ва оммавий қирғин қуролларининг тарқалишига қарши олиб борган фаолиятини бугун яна бир бор эслаш жоиз ва ўринли, деб биламан.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, иқтисодиёт, жумладан, мулкчилик масалалари бўйича, хусусий корхоналар, кичик бизнес ва тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш, ишлаб чиқариш соҳаларини эркинлаштириш, давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифасини қисқартириш, унинг корхоналар ҳужалик фаолиятига, биринчи навбатда хусусий бизнес фаолиятига аралашувини чеклаш, бу борада қатъий ҳуқуқий пойдевор яратиш бўйича қабул қилинган қонуналар тараққиётимиз суръатларини тезлаштиришга хизмат қилмоқда.

Мен, шу фурсатдан фойдаланиб, яна бир масалага алоҳида урғу бермоқчиман. Депутатларимизнинг фаолиятида қандай муҳим ва долзарб масалалар кўрилмасин, муҳокама қилинмасин, ана шу қонун ва қарорларнинг барчаси бугунги замон талаблари билан ҳамроҳ эканини, улар халқаро қонунчилик андозаларига жавоб беришини, узок ва давомли келажагимизни қўзғаб қабул қилинганни алоҳида қайд этиш зарур.

Айниқса, биз инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялаш, матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, умуман, ҳаётимизда инсон манфаатларини устувор ўринга қўйишга, демократик қадриятлар одамларимизнинг тафаккурига чуқур сингиб боришига катта аҳамият бердик ва ўйламанки, бундай йўналишлар бундан кейин ҳам эътиборимиз марказида туриши даркор.

Янги жамият куриш йўлида, демократиянинг энг катта шарты ва белгиси бўлиши ҳокимиятнинг мустақил тармоқларга бўлиниш принципи — яъни, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятини ана шу андозаларга суяниб барпо этиш масалалари парламент фаолиятининг асоси ва негизини ташкил этгани эътиборга сазовор.

Шу борада сиз, ҳурматли депутатларимизнинг суд-ҳуқуқ тизimini ислоҳ қилиш мақсадида судлар ва прокуратура тўғрисидаги қонуналарни, судларни жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича ихтисослаштиришга қаратилган қатор ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилганингиз, айниқса, жиний жазоларни либераллаштириш, инсон, унинг ҳуқуқ ва ман-

фаатларини ҳимоялашда адолат мезонларига суяниш мақсадида қонун ва кодексларнинг қайтадан кўриб чиқилиб, уларга зарур ўзгартиришлар киритилгани, бундай ҳаракат ва қарорларимизни халқимиз ва халқаро жамоатчилик қўллаб-қувватлаганини алоҳида таъкидлаб ўтишимиз зарур.

Шунингдек, бугунги кунда халқ қилувчи тармоқлардан бири бўлган қишлоқ ҳўжалиги соҳасида туб ислохотларни жорий этиш бўйича қабул қилинган қонун ва қарорлар аграр соҳани янги, замон талаб қиладиган босқичга кўтариш, унинг самардорлигини ошириш, шу ҳисобидан асосий қисми қишлоқ жойларда яшайдиган аҳолимизнинг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилганини эслаб ўтишни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Ўнда қилиб айтилган бўлса, шу қисқа даврда парламентимизнинг, тақрор айтаман, сиз, муҳтарам халқ ноибларининг юртимизни янада тараққий топтириш, Ватанимизнинг тинчлиги ва оёсайишталигини ҳимоялаш, халқимизнинг орзу-умидларини рўёбга чиқариш ишига ўз фаолиятингиз орқали салмоқли хисса қўшганингизни бугун мамнуният билан эътироф этишга барча асослар бор.

Қадрли дўстлар!

Бугун барчамиз 26 декабрь кунини мамлакатимиз тарихида биринчи бор икки палатали парламентга ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтадиган сайловлар нафаси ва кайфияти билан яшамокдамыз.

Ҳаммаимиз бу муҳим сиёсий воқеани Ўзбекистонимизнинг халқаро майдонда ва жаҳон ҳамжамияти назарида обрў-эътиборини, юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг халқаро андоза ва талабларга нечоғлиқ ҳамроҳ эканини яна бир бор синовдан ўтказадиган жараён, деб қабул қилишимиз зарур.

Тақрор айтишга тўғри келади — бизларни кутаётган бўлғуси сайловлар авваламбор Конституцияимиз мезонлари ва принциплари, сайлов ҳақидаги қонуналар ва нормаларга тўлиқ жавоб берадиган ҳолда, эркин, очик ва ошқор, четдан ҳеч қандай таъйиқ ва таъсир ўтказмасдан, ҳолисона ва ҳалол, бир сўз билан айтганда, сайловчиларимизнинг эркин хоҳиш-иродасини намоён қиладиган тарзда ўтиши шарт. Бунга барчамиз масъулмыз.

Кейинги уч ой давомида шу масалага бағишлаб мамлакатимизда бўлиб ўтган 7 та йирик халқаро конференция ва семинарларда 29 та, авваламбор, демократик давлатлар ва халқаро ташкилотлардан, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа Иттифоқи, шунингдек, Америка, Осиё китъаларидаги нуфузли ташкилотлар вакиллари, кўзга кўринган олим ва сиёсатчилар, эксперт ва мутахассислар қатнашганининг ўзи бизнинг бу сайловларга очик, яъни транспарент бир шароитда тайёргарлик олиб борганимизнинг тасдиғидир.

Ҳеч кимга сир бўлмағлиги керак — биз сайловларимизни хар томонлама демократик ва халқаро андозаларга жавоб берадиган асосда ўтказиш мақсадида

халқаро ҳамжамиятнинг, ривожланган, тараққий топган давлатларнинг тажрибасини маъқул, деб ҳисоблаймиш ҳамда сайловларга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш даврида уларнинг танқидий, шу билан бирга, ҳолисона тавсия ва маслаҳатларини олишни ўзимиз учун мақсадга мувофиқ, деб биламиш.

Бу масалада қандайдир қобикқа ўралиб, ҳамма нарсани ўзимиз биламиш, деб тепадан келиш, бошқаларнинг тажрибасини менсимаслик, маслаҳатига бепасанд қараш каби ҳолатлар бизга номақбул эканини бутун халқаро жамоатчиликка намоён этишимиз зарур.

Бир сўз билан айтганда, бизнинг орзу-ниятимиз ва интилимимиз битта мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳолда сайловларимизни барча халқаро кузатувчилар билан ҳамкорликда юқори даражада ўтказишдан иборат.

Барчамиз яхши биламизки, сайлов — ҳар қайси фуқаро учун нафақат ўз хоҳиш-иродасини ифода этиб, муносиб номзодни танлаш имконияти, балки бу — аввало кураш, демакдир.

Бу сиёсий жараёнда иштирок этадиган партиялар ва ташаббускор гуруҳлар вакиллари парламентдан кўпроқ ўрин эгаллаш учун ўзаро баҳс-мунозара қилиши, қизгин тортишувлар олиб бориши табиий, албатта.

Демократиянинг табиати ва моҳияти аслида шуни тақозо этади ва буни барчамиз тўғри тушунамиш. Лекин, шу билан бирга, сиёсий кураш майдонига тушган партиялар, уларнинг фаоллари ва ташаббускор гуруҳлар томонидан номзоди кўрсатилган шахсларнинг тарафдорлари хар қандай вазиятда ҳам халқимиз ва жамиятимизнинг эғона манфаати, миллатимиз бирлиги ва ахиллиги ҳамма нарсадан устун эканини унутмасликларини истардим.

Шу маънода, барчамиз миллий ғоямизнинг асоси бўлмиш юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган эзгу тушунчалар сайловда қатнашадиган барча сиёсий кучлар учун муштарак мақсад бўлишини кутишга ҳақлимыз.

Табиийки, бу борада партиялар ва ташаббускор гуруҳлар вакиллари, сайловчилар ва депутатликка номзодларнинг сиёсий маданияти ва фаоллиги, Конституцияимиз, қонуналаримизни ҳурмат қилиши ва уларга риоя этиши бошқаларга, айниқса, ёшларга ибрат ва намуна бўлиши керак.

Насиб этса, сайловчилар ишонч билдирса, сизларнинг орангиздан ҳам бу курашда ғолиб чиқиб, навбатдаги қақирқ депутатлари сайланади, деб ишонаман. Айни пайтда, янги парламент иш бошлагунча Олий Мажлисимиз ўз ваколати доирасида фаолиятини давом эттириб, ишчанлик кайфиятини сақлаб қолади, деган фикрдаман.

Мана шу юксак миёнбардан туриб, сиз, азизларга Ватанимизни улуғлаш ва ҳимоялаш, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлида қилган самарали меҳнатингиз учун ўз номимдан, бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдираман. Барчангизга сихат-саломатлик, бахту содаат, келгуси фаолиятингизда эса ютуқ ва омадлар тилайман.

Иккинчи қақирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ўн олтинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

Давоми. Боши 1-бетда.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва раҳбариятининг 2000-2004 йиллардаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни маъқуллади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги қўзилаётган ижроси тўғрисида ва Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджетини лойиҳаси тўғрисида молия вазири С.Раҳимов маъруза қилди. Бу масала юзасидан Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А.Аҳадов қўшимча маъруза қилди.

Бу ҳужжатлар муҳокамасида Эллиққалъа тумани ҳокими Н.Худойбергенов, «Ўзгеобурғу-нефтгазқазибчиқариш» акционерлик компанияси бош директорининг биринчи ўринбосари О.Муродов, Андижон тумани ҳокими Х.Ҳакимов, Галлаорол тумани Тозауруғ қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Т.Норкулов, Хатирчи тумани Акмал Иқромов номидаги ширкат ҳўжалиги бошқаруви раиси Э.Қаҳоров, Бандихон тумани ҳокими У.Чўтбоев, «Амубухорканалқурилиш» 3-қурилиш-монтаж бошқармаси бошлиғи Э.Ҳайдаров иштирок этди.

Депутатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йилдаги қўзилаётган ижроси тўғрисида ва Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджетини лойиҳаси тўғрисида қарор қабул қилдилар.

«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун лойиҳасини депутатлар эътиборига Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси М.Сафоёва тақдим этди.

Парламент сессияси биринчи кунининг кечки мажлиси ушбу қонун лойиҳаси муҳокамасидан қўзилаётган эътиборига Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси Ш.Хўжаниёзова, Марғилон шаҳри ҳокими А.Ақромов, Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси котиби Ш.Умарова, Термиз шаҳри халқ таълими бўлими мудирини Р.Қаттаева қатнашди.

Олий Мажлис «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини қақирқ олиш тўғрисида»ги қонунни ва уни амалга қиритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Шундан кейин Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-

си Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларини депутатлар муҳокамасига тақдим этди.

Бу ҳужжатлар юзасидан Амударё тумани ҳокими Р.Йўлдошев, Наманган давлат университети ректори Т.Файзуллаев, Фарғона тумани марказий шифохонаси бош врачини М.Мамажонов, Ургу тумани ҳокими Х.Нуруллаев, «Андижонгўштсутсанот» ишлаб чиқариш бирлашмаси раиси П.Мамақов, «Когонё» қурилаётган заводи дирекцияси директори М.Зайниев, Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети проректори Г.Боқиева ўз фикрларини билдирди.

Парламент «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги ва «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги қонунларни ва уларни жорий этиш тўғрисидаги қарорларни қабул қилди.

«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини қақирқ олиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов сессия муҳокамасига ҳавола қилди.

Маъруз ҳужжат муҳокамасида парламентнинг Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятини таъминлаш комиссияси раиси, Хоразм вилояти хотин-қизлар қўмитаси раиси Ш.Хўжаниёзова, Марғилон шаҳри ҳокими А.Ақромов, Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси котиби Ш.Умарова, Термиз шаҳри халқ таълими бўлими мудирини Р.Қаттаева қатнашди.

Олий Мажлис «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини қақирқ олиш тўғрисида»ги қонунни ва уни амалга қиритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилди.

Иккинчи қақирқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг ўн олтинчи сессияси 3 декабрь кунини ўзи ишини давом эттиради.

ПОЙТАХТНИНГ
Дир кўни
Янгиликлар, воқеалар

ҚИСҚА
сўзлар

● **БУГУН** Чилонзор туман ҳокимлигида туман фаоллари иштирокида ўтказилган хайрия тадбири «Меҳр ва мурувват — олий фазилат» деб номланди.

● **БУГУН** Ўзбекистон Республикаси Давлат болалар кутубхонасида шахримиз мактаблари кутубхоначилари иштирокида «Мен ва кўнун» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

● **ЭРТАГА** Сергели туманидаги «Бахт ўйи» гузариди Меҳр ва мурувват йили муносабати билан туман ҳокимлиги томонидан уюштирилган хайрия тадбирида туман фаоллари, маҳалла-ларда истиқомат қилувчи меҳрга муҳтож, кам таъминланган оилалар аъзолари иштирок этишди.

● **ЭРТАГА** Чилонзор туманида жойлашган Кўзи оқизлар жамиятининг маданият саройида Халқаро ноғорнлар кўни муносабати билан Чилонзор туман ҳокимлиги ҳамда туман ижтимоий-таъминот бўлими ҳамкорлик-ларида меҳрга ташна инсонлар иштирокида хайрия тадбири ўтказилди.

● **БУГУН** Ҳамза туманидаги 116-мактабда «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими, туман хотин-қизлар кўмитаси ҳамкорликларида мактаб ўқувчилари ўртасида ҳуқуқшунослик соҳасини ўлаштиришга доир кўриқ-танлов уюштирилди.

● **БУГУН** Темирйўл тарихи Давлат музейида Юнусобод туманида истиқомат қилаётган 227 нафар меҳрга ташна, ноғорон болалар учун «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман Кенгаши ташаббуси билан концерт дастури намойиш қилинди.

● **КЕЧА** Миробод туманидаги 154-мактабда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 12 йиллигига бағишлаб бадиий, мусикий кеча ўтказилди.

● **22-МЕХРИБОНЛИК** уйида Чилонзор туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман Кенгаши ҳамкорликларида ташкил этилган «Сен қонунни биласанми?» мавзусидаги давра суҳбатида тарбияланувчилар фаол иштирок этишди.

● **БУГУН** шахаримиздаги Қурилиш касб-ҳунар коллежида Ҳамза туман ҳокимлиги, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлиmlари ҳамкорликларида ёшларнинг ҳуқуқий онгини оширишга қаратилган тадбир уюштирилди.

● **24-МЕХРИБОНЛИК** уйида Собир Раҳимов туман ҳокимлиги, туман халқ таълими бўлими, туман ички ишлар бошқармаси ҳамкорликларида **ЎТГАН** кундан бошланган «Ўзбекистон фарзанди номига содиқ бўл!» мавзусидаги тадбир 5 декабрга қадар давом этади.

● **КЕЧА** Бектемир туманидаги «Астробод» маҳалла гузариди Меҳр ва мурувват йили муносабати билан хайрия тадбири бўлиб ўтди. Мазкур тадбир туман ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, «Маънавият ва маърифат» маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Кизил Ярим Ой жамияти, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг туман бўлиmlари ҳамкорликларида уюштирилди.

Тошкент шахар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

Сайловлар олдидан

26

декабрь —
Ўзбекистон
Республикаси Олий
Мажлиси Қонунчи-
лик палатасига
ва маҳаллий
Кенгашларга
сайлов кўни

мустақил ташаббускор гуруҳларга Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилди. Сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан барча номзодлар учун мутлақ тенг шароитларга риоя этилган ҳолда ташкил қилинади. Маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган бинолар ажратиларди, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатишлари шарт. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ҳамда жой сайловчиларга барвақт хабар қилинади.

Сиёсий партияларга ўзининг кел-

**ТЕНГ ШАРОИТЛАР
ЯРАТИЛГАН**

Сайловдди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.

Депутатликка номзодларга, сиёсий партияларга, мустақил ташаббускор гуруҳларга Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилди. Сайловчиларнинг йиғилишлари участка сайлов комиссияси томонидан барча номзодлар учун мутлақ тенг шароитларга риоя этилган ҳолда ташкил қилинади. Маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат ташкилотлари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган бинолар ажратиларди, сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатишлари шарт. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ҳамда жой сайловчиларга барвақт хабар қилинади.

Сиёсий партияларга ўзининг кел- тили ривож учун ҳам янги имконият, шароитлар яратди. Конституцияда ҳаётимиздаги туб ўзгаришлар, миллий руҳият, ҳаётини цивилизацияси жиҳатлари эътиборга олинган бўлиб, матнлар ўзбек адабий тилининг имкониятлари

гуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқи берилди. Партиялар ва депутатликка номзодларнинг дастурлари давлатнинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига таъжову қилмаслиги, уларда уруш, миллий, ирқий ва диний адолат тарихоти, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатларга даъват бўлмаслиги керак.

Ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан кўшиб олиб борилиши тақиқланади. Сайлов кўни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди.

Депутатликка номзод қилиб рўйхатга олинган шахс сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, сайловдди йиғилишларида сўзга чиқиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш вақтида,

ларниб қолган ва улар лугат таркибини бойитишга хизмат қилади.

Конституцияда шунингдек, фаол байналмиал терминлар асл ҳолича ишлатилган бўлиб, бу ҳам матнларнинг аниқ, тушунарли тузилишига хизмат қилган. Масалан, суъя, суд, цензура, суверенитет, депутат, валюта, кредит, бюджет, парламент, амнистия, адвокатура, пенсия ва ҳоказо. Оммага ҳали ўзлашиб, сингиб улгурмаган баъзи халқаро терминларнинг қавс ичида ўзбек тилидаги маъноси кўрсатиб ўтилган: референдум (умумий овоз), ратификация (тасдиқлаш), денонсация (барвақт тўхтатиш) қабилар.

Бир сўз билан айтганда, давлатимизнинг Асосий Қонуни миллий мафкураимизнинг ижтимоий-сиёсий, назарий, маънавий, ҳуқуқий асосини ташкил этади. У миллий гоёлар йиғиндисидан иборат бўлган миллий мафкураимиз моҳиятини ифодаловчи, мамлакатимиз келажаги буюк давлат эканини кўрсатиб берувчи миллий маънавий қомусдир. Умуминсоний қадриятлар, халқаро ҳуқуқнинг тамойиллари асосида халқ иродаси, унинг руҳияти, маънавияти, ижтимоий тафаккури ва маданиятини ифодалайди.

Рустам ШАРИПОВ,
Тошкент Давлат юридик институтининг кафедра мудири, доцент.

Мамлакатимиз Конституцияси давлатимиз суверенитетининг ёрқин тимсолидир. Унда юртимизнинг тараққиёт йўли ўзининг аниқ ифодасини топган.

Асосий Қонунимиз халқаро талабларга мос равишда ижтимоий адолат тамойиллари ва миллий давлатчилигимизнинг тарихий тажрибаларига таянган ҳолда ишлаб чиқилган. У Ўзбекистон халқининг озолиги, ҳур фикрлиги, инсоний ҳуқуқларга эга бўлиши, ҳуқуқий демократик давлат қуриш имкониятини таъминловчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

Мазкур ҳужжат халқимизнинг тарихий ҳуқуқий манбаларини ташкил қиладики, улар ҳозирда ҳам мамлакатимизда турли ҳуқуқий тизимлар ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Мустақил Ўзбекистон Конституцияси халқ иродаси, ижтимоий ва сиёсий онги, маънавияти, руҳиятини ўзида акс эттиради. Асосий Қонун демократик фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий негизларини мустаҳкамлайди. У Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси қоидаларига монандир.

Айтиш мумкинки, асосий Қонунимиз ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисида»ги Қонуни барча ижтимоий воқеликка бўлгани каби ўзбек юридик

тили ривож учун ҳам янги имконият, шароитлар яратди.

Конституцияда ҳаётимиздаги туб ўзгаришлар, миллий руҳият, ҳаётини цивилизацияси жиҳатлари эътиборга олинган бўлиб, матнлар ўзбек адабий тилининг имкониятлари

*Конституциямиз яшамокда
ва аман қилмоқда*
**МИЛЛИЙ
МАЪНАВИЙ ҚОМУС**



Ўзбекистон Республикасининг миллий давлатчилиги ўзининг тарихий тажриба ва қадриятлари асосида қайта ривожланиб, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш томон жадал одим ташламоқда. Шундай экан, жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ҳуқуқий демократик давлатнинг муҳим тамойилларидан биридир. Чунки Юртбошимиз таъхуқий муносабатларни йўлга солиди, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилади, эркин демократик жамиятнинг ҳал қилувчи омили ҳисобланади.

асосида аниқ тузилган. Шу боис, ҳар бир молда оддий, содда тилда ёзилиб, аниқ ва равои ўқилади, фуқаро онгига тез етиб боради.

Мақтовга сазовор бўлган жиҳатларидан яна бири шундан иборатки, баъзи ўзлашган терминлар ўзбек тилида ўзининг аниқ муқобилини топган. Масалан, фуқаро, мафкура, касаба уюшмаси, меҳнат таътили, тиббий хизмат, назорат, талбиркорлик, гуруҳ, тафтиш, тузум ва ҳоказо. Мазкур сўзлар ҳозирда халқ орасида ўзлашиб, кундалик ҳаётимизда умумистеъмомдаги фаол сўзларга ай-

Ҳамкорлик
**МАДАНИЙ
ЛОЙИҲА —
АМАЛДА**

Бундан беш йил олдин «Тойота Сити балет» деб номланган иждоий лойиҳани амалга оширишга киришилган эди. Бу Ўзбек-Япон маданий ҳамкорлик лойиҳасида Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театри ҳам фаоллик кўрсатиб келмоқда.

Ўтган шу қисқа давр ичида нуфузли лойиҳа доирасида қатор янги спектакллар саҳна юзини кўрди. «Оққуш кўли», «Шелкунчик», «Жизель», «Дон Кихот» сингари постановкалар томошабинларга тақдим этилди.

Япония билан Ўзбекистон ўртасида йўлга қўйилган иждоий ҳамкорлик алоқаси янада кенгайди.

Буни ҳар икки мамлакат театр усталарининг борди-келдилари мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Чиндан ҳам япониялик саҳна усталарининг Ўзбекистонда, юртимиз санъаткорларининг кунчиқар мамлакатда бўлишлари ушбу ҳамкорлик лойиҳасини амалга оширишда муҳим босқич бўлди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



ДУШАНБА, 6

«Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
8.00-8.45 «Тахлиннома»
9.45 «Эхтимол, улар акдан озмишандир»
Телесериал
9.35 «Бизнес ҳафта»
9.50 «Табият шифохонаси»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Камал» Болалар учун кинодастур
11.30 Ўзбекистон теле-радиокомпанияси камер оркестрининг концерти
11.55, 13.55 ТВ анонс
12.05 «Кўрсатувдан-курсувгача»
12.25 2004 йил - «Меҳр ва муруват йили», «Яхшилик»
12.50 «Қишлоқ ҳаёти»
13.10 «Бегона» Телесериал
14.10 «Масул сўз»
14.30 «Бу турфа олам»
15.40 «Ҷу» Видеофильм
16.35 «Портретга чиқилар»
16.50 «Профретаг чизилар»
«Болалар сайраси»
16.35 1. «Ғаройибкентага сабаҳат» 2. «Олтин тоқ»
17.30 «Ғарба сабаҳат»
Мультифильм премьераси
27-кисм
17.55 ТВ анонс
18.10 «Саховат»
18.25 «Эстрада тароналари»
19.40 «Мувозанат»
19.00 «Бахтли воқеа»
Телесериал
19.25 «Узлато кундалиги» ва рекламалар
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар
20.00 Оқшом эртақлари
20.20 «Сайловлар мин-бар»
Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси
20.30 «Ахборот»
21.05 «Сайловлар мин-бар»
Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси
21.20 «Сайлов-2004»
21.25 «Охшанлар оғушиди»
21.35 МСК хабарлари
21.45 «Дин ва ижтимоий тараққиёт»
22.10 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба «Бегона» Телесериал (Мексика)
23.00 «Ахборот-дай-жест»
23.20-23.25 Ватан тим-соллари.

«Ёшлар»

16.30 Курсатувлар дастури
16.35 «Давр» ҳафта ичида
17.05, 22.35 ТВ-анонс
17.10 «Янги авлод» почтаси, Соғлом авлод
17.50 Нухат полвон»
Мультифильм
18.20 Телевикторина
18.25 Олис манзиллар
18.45 ТВ-афиша
18.50 Мумтоз наволар
18.55 Икким
19.00, 22.00 Давр
19.35 «Сайловлар мин-бар»
Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси
19.50 «Сайлов - 2004»
19.55 Мусикий лаҳза-лар
20.05 ТВ-анонс
20.10 Марказий сайлов комиссияси хабарлари
20.20 Сув - ҳаёт манбаи
20.30, 21.30 Эълонлар
20.35 «Муҳаббат можароси» Телесериал
21.05 «Мен элимнинг юрагидан яшайман»
Ҳамид Олимжон
21.45 Олтин мерос
21.50 Икким
21.55 «Сайловлар мин-бар»
Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси
22.35 ТВ-анонс
22.40 Ёшлар куйлаганда
22.55 Тунги сериал: «Борже узуги»
1-кисм
23.45 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури
Интерфутбол
0.35-0.40 Хайрли тун.

«Тошкент»

17.10 Курсатувлар тартиби
17.20 ТТВда сериал: «Қурқмас ва довароқлар»
17.45 «Табриклиямиз-кутлаймиз»
17.55 «Хориз хабарлари»
18.00, 21.00 «Эксп-

ресс» телеразгати
18.10 «Халқ саломатлиги йўлида»
18.30, 20.00, 21.25, 22.35 «Пойтахт» ахборот дастури
18.30 «Табриклиямиз-кутлаймиз»
19.20 ТТВда сериал: «Муҳаббат тарихи»
20.20 «Ишон»
Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси (Тошкент вилояти кенгаши)
21.10 «Конституция бахтимиз»
21.45 «Ёшлар даврасида»
22.15 «Народный артист»
22.30 «Синемания»
23.00 «Дорожный патруль»
23.20 Фильм «Каждому свое»
00.55 Канал «Евроноос» на русском языке.

«Спорт»

7.30 «Хабарлар»
7.45 «Бардам бўлинг»
Тонгги дам олиш дастури
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.05 «Елгончи» Кинокомедия
11.00 Қураш бўйича таллашлар уртасида Республика чемпионати
11.30-13.00 Жаҳон спорт: «Профессионал»
16.55 Курсатувлар тартиби
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Дисней клуб»
17.35 Мини футбол
Ўзбекистон чемпионати
18.10 «Спорт - клуб»
18.20 «Е устидан, е остидан»
19.00 «Клон» Сериал
20.00 «Мени кутти!»
21.00 «Время»
21.30 «Хабарлар»
21.45 «Спортимиз маълумоти»
19.30 «Каратэ. Марказий Осиё оқшом кубоги»
22.40 Жаҳон спорт: «Проф-РИНГ»
23.40 «Тунгиз оқсуда бўлин!»

30-й канал

До 16.55 профилар-трасекские работы
16.55 «Открытие программы»
17.00 «Теле-хамкор»
17.20 «Детский час»
18.00 Киновечер на «30-ми»
«Кривавый кулак», «Осторожно, модерн-2»
19.40 «Ошикан», мусикий дастури
20.20 «Возвращение Мухтара», сериал
21.15 «Теле-хамкор»
21.30 «Музыкальная па-уза»
21.40 Киновечер на «30-ми»
«Радиопит», комедия
24.00 Программа передач

Первый канал

6.00 Телеканал «Доброе утро»
9.00, 12.00, 15.00, 18.00 Новости
9.05 Комедия «Лжец, лжец»
11.00 «Шутка за шуткой»
12.05 Сериал «Женщины в любви»
13.10 Комедия «Четвертый Братухен»
15.10 «Угадай мелодию»
15.50 «Последний герой»
17.00 «Пять вечеров»
Понедельник
18.20 «Пан или пропал»
19.00 Сериал «Клон»
20.00 Жди меня
21.00 Время
21.30 «Дети Арбата»
Сериал
22.40 Док-ф «Романы Матильды Кушенин-ской»
23.30 Ночное «Время»
23.50 «Фабрика звезд»
10.0 Искатели. «Узник Петровского»
00.40 «Русский актрис»
1.10 Триллер «Ночь над Москвой»
3.00 Боевик «Колдун»
4.50 «Разговоры с животными» Д/с

Россия

3.00 «Доброе утро, Россия!»
6.45 «Вести недели с Сергеем Брилевым»
7.45 Фильм «Как Сталин снимал кино»
8.40 «В Горьком»
8.50, 11.45, 17.50, 24.00 Вести. Дежурная
9.00, 12.00, 15.00, 18.00 Вести
9.30, 12.10, 14.40, 18.30 Местное время. Вести-Москва
9.50 Сериал «Бедная Настя»
10.50 «Что хочет жен-

щина»
12.30 Фильм «Западная»
15.10 «Честный детектив»
15.40 «Ундина. На гребне волны» Телесериал
16.40 Сериал «Бандитский Петербург»
18.50 «Спокойной ночи, малыши!»
18.55 Сериал «Опера. Хроники убойного отдела»
19.55 Сериал «Шахматы»
21.20 «Дежурный по стране»
22.15 «Народный артист»
22.30 «Синемания»
23.00 «Дорожный патруль»
23.20 Фильм «Каждому свое»
00.55 Канал «Евроноос» на русском языке.

ТВ-3

8.30 Победоносный голос верующего
9.00 Телесериал «Дороги любви»
10.00, 15.00, 2.00 Д/с «Секреты кино»
10.30 М/с «Урагани»
11.00 Ток-шоу «Моя семья»
12.00, 20.00 Ток-шоу «Большая стирка»
13.00 Х/ф «Манежа»
15.30 Д/с «Потрашающие каскадерские трюки»
16.00 Х/ф «Горько!»
18.00 Х/ф «Смерть в воде»
21.00 Сериал «Воровка»
22.00 Х/ф «Игра в четыре руки»
24.00 Х/ф «Тихий американец»
2.00 Х/ф «Игла»

НТВ

